O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 4 январь, № 3 (4413) Жума

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан қутловларимни лутфан қабул этгайсиз.

Ўтган бир неча йил давомида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп асрлик муносабатлар янада мустаҳкамланди. Ишончим комилки, Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда Ҳиндистон билан Ўзбекистон кўплаб соҳалар бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини муваффақиятли давом эттираверади.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сизга омад ва фаровонлик, дўст Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни изҳор этмоқчиман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак ҳурмат-эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

**Пратибха Девисингх ПАТИЛ,**
**Ҳиндистон Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан менинг ғоят қизғин қутловларимни лутфан қабул қилгайсиз. Ишончим комилки, Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлидан ривожланиб бораверади.

Сингапур билан Ўзбекистонни боғлаб турган илиқ ва дўстона муносабатлар Сизнинг 2007 йилда Сингапурга давлат ташрифингиздан сўнг янада мустаҳкамланди. Мамлакатларимиз ўртасида ривожланиб бораётган алоқаларни янада мустаҳкамлаш йўлида Сиз билан яқин ҳамкорликда ишлаш умидидаман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва барча ишларингизда муваффақиятлар тилаб қоламан.

Самимият ила,
Биродарингиз

**С.Р. НАТАН,**
**Сингапур Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганингиз муносабати билан Сизни чин дилдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Сизни ишонтириб айтаманки, Словакия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатлар давлатларимиз ҳамда халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам ривожланиб бораверади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**Иван ГАШПАРОВИЧ,**
**Словакия Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Сизга ўз самимий қутловларимни ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан ғоят мамнунман.

Сизга ушбу муҳим ва масъулиятли лавозимда муваффақиятлар ҳамда омад, дўст Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва тараққиёт тилаб қоламан.

Энг самимий тилаклар ила,

**Навоф ал-Аҳмад ал-Жобир ас-САБОҲ,**
**Кувайт Давлати Валиаҳди.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Сиз, Жаноби Олийларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан Индонезия Республикаси Вакиллар палатаси номидан самимий қутловларимиз ва қизғин табрикларимизни йўллаш менга ғоят катта мамнуният ва шараф бахш этади.

Ўзбекистон халқини ривожлантириш ва равнақ топтириш, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд самарали ҳамкорлик ва ўзаро муносабатларни кенгайтириш йўлидаги барча саъй-ҳаракатларингизда омад ва муваффақиятлар тилаб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак ҳурмат-эҳтиромимни лутфан қабул этгайсиз.

Самимият ила,
Биродарингиз

**Агунг ЛАКСОНО,**
**Индонезия парламенти**
**Халқ вакиллари кенгаши Спикери.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ!

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари, 2007 йилнинг 23 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтган сайловда ғолиб чиққанлигингиз муносабати ила Саудия Арабистони Подшоҳлигида истиқомат қилаётган барча ватандошлар номидан илиқ табриклар ва эзгу тилаклар йўллашдан бағоят бахтиёрмиз.

Дарҳақиқат, биз Аллоҳ таолодан бундай юксак натижага эришишингизни сўраган эдик ва бунга катта ишонч билдирган эдик. Чунки азиз Ўзбекистонимиз келажаги ва равнақи йўлида Мустақиллик йиллари давомида она Ватанимизда Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда амалга оширилган барча ислоҳотлар, жумладан, диний ва миллий қадриятларимизни қайта тиклашга ҳамда халқимиз тинчлигини таъминлашга қаратган саъй-ҳаракатларингиз, азиз Ватанимизни бутун дунёга танитишга қўшган ҳиссангиз ва хайрли ишларингиз бунга далолат бўлишини таъкидламоқчимиз ва биз бундан катта ифтихордамиз.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик ва Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тантаналари бўлиб ўтиши аждодларимизнинг, жумладан, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Замахшарий, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний ва шулар каби бошқа буюк алломаларимизнинг нафақат ислом тараққиётига қўшган улушлари, балки бутун жаҳон маданияти тараққиётидаги улкан ҳиссаларининг эътирофидир.

Сизнинг ташаббусингиз ила 2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили ҳамда жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши, Сиз томондан халқимизга кўрсатилаётган ғамхўрликдан ва улуғ юртимиз манфаатлари доимо қўллаб-қувватланилаётганидан далолат.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари, жонажон Ватанимизнинг тинчлик-осойишталиги, гуллаб-яшнаши, халқимизнинг фаровонлиги ва бахту саодати йўлидаги хайрли ишларингизда Аллоҳ таоло ҳамиша мададкор бўлишини илтижо қилгаймиз.

Ушбу муносабат билан Сизга ўзимизнинг самимий табрикларимизни йўллаб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилаймиз.

Камоли эҳтиром ила, Саудия Арабистони Подшоҳлигида истиқомат қилаётган барча ватандошлар номидан:

**Сафохон Жалолхон Тўра Марғилоний,**
**Мелибек Исҳоқбек Тошкандий,**
**Мўминжон Андижоний,**
**Муҳаммад Амин Муқим,**
**Олимжон Исмоилжон Андижоний,**
**Абдуллажон Исмоилжон Туркистоний,**
**Аъзамхон Жалолхон Тўра Марғилоний,**
**Хуршидбек Олимбек Тошкандий,**
**Зуҳриддин Туркистоний,**
**Абдулҳоди Тошкандий,**
**Абдулҳамид Исмоилжон Андижоний,**
**Абдулло Мулла Насриддинжон,**
**Муҳаммад Носир Андижоний,**
**Усама Муҳаммадамин Тошкандий.**

▼ Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган



# ИСТИҚБОЛЛИ КОРХОНА

*Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар нафақат ички бозорни тўлдирмоқда, балки давлатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Пойтахтимиздаги "Ўзэлектроаппарат-Электрощит" Ўзбекистон – Россия қўшма корхонаси – шулардан бири. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган турли электр жиҳозлари ва ускуналардан халқ хўжалигининг кўплаб соҳаларида фойдаланилмоқда.*

*Таъкидлаш жоизки, ушбу корхонани модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлашга 5 млн. АҚШ доллари сарфлангани иш унуми ва маҳсулот ҳажми ошишига ижобий таъсир кўрсатди. Пировардида ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам ортиб, уларнинг ойлик маошлари 2,5 баробар кўпайди.*

*700 нафардан зиёд киши меҳнат қилаётган корхона маҳсулотларига эндиликда Россия, Қозоғистон, Вьетнам, Миср, Мўғулистон каби давлатларда ҳам талаб ортмоқда. Устувор режага кўра, 2010 йилда жамоада ишлаб чиқарилаётган жами маҳсулотнинг 80 фоизи экспорт қилинади.*

**СУРАТДА: қўшма корхона оператори Темур Раҳмонов.**

**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

# «ПРЕЗИДЕНТ И. КАРИМОВ РАҲБАРЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ГУЛЛАБ-ЯШНАГАН ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШ ЙЎЛИДА УЛКАН МУВАФФАҚИЯТЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТМОҚДА»

***Мамлакатимизнинг чет эллардаги дипломатия ваколатхоналарига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлатимиз етакчиси лавозимига қайта сайлангани муносабати билан хорижий мамлакатлардаги кўзга кўринган жамоат арбоблари, сиёсий, ишбилармон ва академик доиралар вакилларининг фикр-мулоҳазалари акс этган мактубларнинг келиши давом этмоқда.***

▼ Дунё нигоҳи

Юртимизда бўлиб ўтган сайловларда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган **Япония миллий этнография музейининг фахрий профессори Кюдзо Като**нинг фикр билдиришича, «Ўзбекистондаги Президент сайловлари халқаро амалиётда тан олинган қоида ва меъёрларга мувофиқ равишда, ҳақиқий демократия тамойиллари асосида ўтди». К. Като Фарғона шаҳридаги сайлов участкаларидан бирида овозларни ҳисоблаш жараёнини бевосита кузатиши чоғида Президент лавозимига номзодлар ўртасида рақобат муҳити мавжуд эканлигига шахсан гувоҳ бўлган. «Мен сиёсий партиялар ҳамда фуқароларнинг ташаббускор гуруҳи сайловчилар орасида сайлов олди ташвиқотини ўтказишда мутлақо эркин бўлгани, шунингдек, Ўзбекистон халқи сайловда ўз фуқаролик бурчини бажаришида мустақил эканлигини кўрдим», дейди японилик кузатувчи.

**Осиё тараққиёт банкининг собиқ президенти Тадао Чино** Ўзбекистон Президенти сайлови халқаро ҳуқуқнинг умуммиқёсда эътироф этилган меъёрларига ҳамда жамиятнинг эркин ва демократик хоҳиш-иродасига мувофиқ ўтказилганини айтди.

И. Каримов етакчилиги йиллари давомида Ўзбекистон иқтисодий ўсишга эришгани ҳамда мамлакатнинг халқаро нуфузи мустаҳкамланганига бевосита гувоҳ бўлганини таъкидлар экан, Т. Чино давлатимиз раҳбарининг янги муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганидан беҳад мамнун бўлганини қайд этди.

Шу билан бирга, у бундан кейин ҳам Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири Япония билан ўзаро фойдали ва самарали ҳамкорликни янада ривожлантириш бўлиб қолишига ишонч билдирди.

(Давоми 2-бетда).

## 2008 йил — Ёшлар йили

# ЮТУҚ ВА ҚУВОНЧЛАР ПОЙДЕВОРИ

***Юртбошимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидан бери хусусий тадбиркорлик, ишбилармонлик, фермерликнинг мамлакатимиз ободончилиги, халқимиз фаровонлигини оширишда улкан аҳамият касб этишлигини қайта-қайта таъкидлаб келмоқда.***

Фарғона водийсидаги уч вилоят телекўрсатувлари гал-ма-гал намойиш этилади. Шундай кўрсатувларнинг бирида ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятига бағишланган қисқагина лавҳа беихтиёр диққатимни тортди. Унда уйини омборга айлантириб, қандайдир қинғир йўллар билан қўлга киритилган бир неча бочка пахта ёғини деярли икки баравар қимматга пуллаётган шахснинг кирдикори фош этилган эди. Минг таассуф! Чирмовуқ ўзини ўсимлик ҳисоблаганидек, ўнг келган вазиятдан фойдаланиб, ҳатто маҳалладошларини қароқчидек шилиш эвазига бойлик ортиришдан ҳазар қилмайдиган бундай тоифалар ҳам, наҳотки, ўзларини ишбилармон деб билишса?!

Хайриятки, ўз номини шарафлаб яшовчи ҳақиқий ишбилармонларимиз юртда кўпчиликни ташкил этади. Улар юлиб ташланишга маҳкум этилган ўша чирмовуқфеъллардан фарқли ўлароқ, мевали ўсимликлардек тўкинчиликка дахлдордирлар. Нафақат Фарғонада, балки республикамизда ҳам тадбиркорлик мактаби сифатида тилга тушган Олтиариқ туманида ҳар қадамда элга қайишиб иш кўрувчи мулкдорлар сон-саноқсиз. Ака-ука Эркабоевлар, Умрзоқовлар, Ғайрат Қосимов, Фарҳод Абдураҳимов...

Бундай саховатпешалар ичида ўта юртпарварлиги билан ажралиб турувчи ёш тадбиркор Ҳокимназар Маматов ҳақида алоҳида сўз юритмоқчимиз. Бунга бир воқеа туртки берди. Юқорида айтилган «ёғфуруш»нинг ўлаксахўрларга хос атворидан кўнглим хиралашганича маҳалламиз гузарига чиқиб бордим-у, бир қопи бозордагидан қарийб ўн минг сўм арзонга ун сотилаётганининг гувоҳи бўлдим. Гапнинг тагига етгач, қалбим туйқус яшнаб кетди.

(Давоми 2-бетда).

***«Экосан» экология ва саломатлик халқаро ташкилоти фаолларининг 2007 йил якунлари ва Президент Ислом Каримов томонидан Ёшлар йили деб эълон қилинган 2008 йилги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.***

# БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ЭКОЛОГИЯ

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан экологик аҳволни яхшилаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш даражасини ошириш, олис ҳудудлар аҳолисини тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишларда жамоат ташкилотлари, шу жумладан, "Экосан" ташкилоти ҳам фаол иштирок этмоқда. 1997 йилдан буён "Экосан" шафелигида ўтказиб келинаётган Экология ва саломатлик кунлари ҳам белгиланган вазифаларни амалга оширишда ёрдам бермоқда.

2007 йилда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурига мувофиқ, республикамиз ҳудудларига қиймати 1,2 миллиард сўмга тенг инсонпарварлик юки ортилган 21 та саломатлик поезди жўнатилди. Қишлоқ туманлари аҳолисини сув

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### «KOTTONTEX» маҳсулоти – экспортга

Боғот туманида иш бошлаган «KOTTONTEX» қўшма корхонаси маҳсулотлари, асосан, Туркия ва Россияга экспорт қилинаяпти. Германия, Швейцария, Туркиядан келтирилган энг замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган ушбу корхона йилига 2 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ҳам деҳқон, ҳам ҳунарманд

Шаҳрихон туманидаги «Холматжон» фермер хўжалиги қошида томёпқичлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Фермер Мурoджон Тожибоев ва унинг ўн нафар ҳамкасбидан иборат жамоа ишлаб чиқараётган чиройли томёпқичлар барчага манзур бўлаяпти.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*"Қўқонэнергомарказ" очиқ акциядорлик жамияти жамоаси қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўргани боис бугун ишлари бадастир. Шаҳар аҳолиси ҳамда ижтимоий соҳа объектларига узлуксиз иссиқ сув ва иссиқлик етказиб берилмоқда. Корхонанинг 8 та иситиш қозонхонаси, сув насослари, газ, электр жиҳозлари ва етти километр узунликдаги магистраль қувурлар таъмирланиб, мавсумга шайлаб қўйилганидан шаҳар аҳолиси мамнун.*

**СУРАТДА: корхона бошқарув пульти операторлари (чапдан) Анвар Султонов ва Баҳром Жўраев.**

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

### Оқернинг тиббиёт коллежи

Риштон туманининг Оқер қишлоғида тиббиёт коллежи фойдаланишга топширилди.

Коллежни Раҳматжон Эркабоев бошлиқ «КМК-1» масъулияти чекланган жамият қурувчилари қисқа вақтда қуриб беришди.

Уч қаватли, 9 та амалиёт, 34 та ўқув хоналаридан иборат замонавий масканда 600 нафар ўқувчи таҳсил олади. Улар ҳамширалик, тиббий профилактика, лаборатория ва диагностика мутахассислигини эгаллайдилар.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Ургут туманида секундига 2100 литр сув чиқариш қувватига эга бўлган «Уч қаҳрамон» насос станцияси фойдаланишга топширилди.***

### «Уч қаҳрамон» – йигирманчи насос станцияси

Шу пайтга қадар туманда 7600 гектар майдонга 19 та насос станцияси орқали сув чиқариларди. «Уч қаҳрамон» ушбу иншоотларнинг йигирманчиси бўлди. Эндиликда «Ваткан» ва «Оққўрғон» муқобил машина-трактор парклари ҳудудидаги 129 та фермер хўжаликлари ерлари ҳамда 200 дан зиёд томорқаларга янги насос станцияси орқали обиҳаёт улашилади.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Нефть нархи 100 долларга етди



2008 йилнинг 2 январи бир баррель нефтнинг баҳоси 100 долларга етган сана сифатида тарихда қоладиган бўлди. Ўша куни Нью-Йорк биржасидаги дастлабки савдоларда ҳар баррель нефть учун 100 доллардан тўланди. Кейинроқ эса унинг нархи 99,46 долларгача пасайди. Экспертлар буни Янги йил кириши туфайли байрам куни биржалар ишламагани ва Яқин Шарқдаги вазият кескин бўлиб туриши билан изоҳлашмоқда.

Ўша куни Лондон биржасида «Brent» маркали нефтнинг бир баррели 97,05 доллардан сотилди.

### Алоқалар вақтинча тўхтади

Сурия Ливандаги сиёсий инқироз туфайли Франция билан алоқаларини вақтинча тўхтатди. «France Presse» хабарига қараганда, бу ҳақда Сурия ташқи ишлар вазири Валид Муаллем матбуот анжуманида айтган. Ўтган йил 30 декабрь куни Франция Президенти Николя Саркози ҳам ўз мамлакати Ливанда давлат раҳбари сайлангунча расмий Дамашқ билан алоқаларни тўхтатишини айтган эди.

Саркозининг фикрича, Сурия ва Эроннинг аралашуви туфайли Ливанда Президент сайловлари 11 марта кечиктирилган. Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг 12 январь куни Ливанда Президент сайлови бўлиб ўтиши керак. Мамлакат қонунчилигига биноан, давлат раҳбарини парламент сайлайди.

### Кўрсатмани бажармоқчи эмас



Буюк Британиянинг Москвадаги элчихонаси Россия ҳукуматининг Санкт-Петербург ва Екатеринбургдаги Британия Кенгаши ваколатхоналарини ёпиш тўғрисидаги кўрсатмасини бажармоқчи эмас. Бу ҳақда «The Telegraph» газетаси хабар тарқатди.

Элчихона вакилининг таъкидлашича, Британиянинг Россиядаги барча маданий ва хайрия ташкилотлари 14 январдан, яъни рождество таътилидан сўнг ўз ишини давом эттиради. Дипломат бу келишмовчилик қандай оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини шарҳлашдан бош тортди.

Ўтган йилнинг декабрь ойи ўрталарида Россия Ташқи ишлар вазирлиги Британия Кенгашининг барча бўлимлари 2008 йилдан ёпилишини маълум қилган эди.

### Тоғдаги ҳалокат

**Жанубий Африка Республикасининг Свартберг тоғларида унча катта бўлмаган самолёт ҳалокатга учради. Унда учувчи, унинг маъшуқаси ва икки қизи бор эди. «AFP» хабарида айтилишича, уларнинг ҳаммаси ҳалок бўлган.**

**Мутахассислар ҳалокат қалин туман туфайли содир бўлганини таъкидлашмоқда.**

### Учувчисиз самолётлар кўпаяди



Кейинги пайтларда АҚШ армиясида жангариларни таъқиб қиладиган ва зарур ҳолларда уларни йўқ қила оладиган учувчисиз учадиган самолётлардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда.

«Associated Press» хабарида айтилишича, 2007 йилда Predator, Global Hawk, Shadow ва Raven типидаги учувчисиз учадиган аппаратлар самода 500 минг соатдан кўпроқ парвоз қилишган. Бундай самолётлардан асосан Ироқ ва Афғонистонда фойдаланилмоқда.

Хабарда айтилишича, кейинги 25 йилда бундай самолётлар ишлаб чиқариш кўпаяди.

### Гаровдагилар озод этилди

Ўтган йилнинг 26 декабрь куни испаниялик врач Пилар Бауза ва аргентиналик ҳамшира Мерседес Гарсиа сомалилик жангарилар томонидан ўғирланган эди. Кеча улар озодликка чиқарилди. Жангарилар аввалига гаровдагилар учун 250 минг евро пул талаб қилишганди. Аммо Испания ташқи ишлар вазири Мигель Анхель Моратиноснинг таъкидлашича, жангариларга ҳеч қандай пул тўланмаган.

Гаровга олинганлар ҳозирда Босассо шаҳридаги меҳмонхоналардан бирида турибди. Врачларнинг айтишича, уларнинг саломатлиги яхши.

### Парламент сайлови кечиктирилди

**Покистоннинг собиқ бош вазири Беназир Бхуттонинг ўлдирилиши билан алоқадор жиноий ишларни маҳаллий ҳуқуқ идоралари ходимлари билан бирга Буюк Британия прокуратураси ҳам текширади. Бу ҳақда Покистон Президенти Парвез Мушарраф миллатга телемурожаатида маълум қилди. У бу таклиф учун Бирлашган Қироллик Бош вазири Гордон Браунга миннатдорчилик билдирди.**

**Парвез Мушарраф Бхуттонинг ўлдирилиши миллатга қарши жиноят эканлигини таъкидлади.**

**Эслатиб ўтамиз, шу йил 8 январь куни Покистонда бўлиб ўтиши керак бўлган парламент сайлови 18 февралга қолдирилди.**

### Кўрсатувлар узатилмайди

2008 йилнинг бошидан Озарбойжонда Россиянинг «РТР-Планета» канали кўрсатувлари тўхтатилди. Шу пайтгача РФнинг фақат шу каналигина Озарбойжонга ўз кўрсатувларини узатаётган эди.

Озарбойжон телерадиоузатиш бўйича Миллий кенгаши вакилининг таъкидлашича, Россия телеканаллари кўрсатувларининг тўхтатилиши бирор сиёсий маънога эга эмас. Улар 2008 йилда ўз кўрсатувларини узатиш бўйича Озарбойжон томони билан шартнома тузишмоқда.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

---

MIKROKREDITBANK

***Яқинда Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси тадбиркорлари ўртасида «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Амударё туманидаги «Қўшаев Раим» хусусий корхонаси тақдим этган лойиҳа ҳайъат аъзолари томонидан биринчи ўринга лойиқ, деб топилди.***



# Асосийси — мижозлар ишончи

Биз шу корхона раҳбари, тадбиркор аёл Санамжон Нагимовани суҳбатга тортдик.

— Манғитда, Амударё бўйида туғилиб, вояга етганман, — деди у. — Ҳар гал байрамларда, халқ сайилларида туманимизда болалар истироҳат боғи йўқлигини, болажонларимизнинг мириқиб дам оладиган маскан етишмаётганини дилдан ҳис қилардим. Мана, мустақиллик туфайли юртимизда тадбиркорлар учун барча имкониятлар яратиб берилди. Шунда кўнглимдаги орзуни рўёбга чиқариш фурсати етганини англадим.

Таклифларимни туман раҳбарлари қўллаб-қувватлаб, ҳар томонлама кўмак беришди. Аниқроғи, бизнинг «Қўшаев Раим» хусусий корхонамизга акционерлик тижорат «Микрокредитбанк»нинг Қорақалпоғистон бошқармаси Манғит бўлимидан уч йил муддатга 30 миллион сўм кредит ажратилди. 15 кишини ишга олиб, 4 та аттракцион ўйин ускуналарини харид қилгач, Манғит шаҳрида кўркам болалар истироҳат боғи барпо этишга киришдик. Янги йил байрами арафасида эса истироҳат боғида автодром ўйингоҳини ишга туширдик.

Дарҳақиқат, акционерлик тижорат «Микрокредитбанк»нинг Қорақалпоғистон бошқармаси юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини таъминлашга бел боғлаган кўплаб тадбиркорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ҳозирги кунда уч бўлим, 28 мини банк ва иккита агентликни бирлаштирган мазкур бошқарма қарийб 3061 та мижозга хизмат кўрсатаяпти. Бошқача айтганда, ўтган бир йил мобайнида мижозлар сони 666 тага кўпайдики, бу уларнинг банкка ишончи тобора ортаётганини кўрсатади.

— Туманларда, чекка-чекка қишлоқларда фуқаролар йиғинлари билан биргаликда семинар-кенгашлар ўтказдик, — дейди биз билан суҳбатда «Микрокредитбанк»нинг Қорақалпоғистон бошқармаси раҳбари Дилбар Хўжаниязова. — Бундан мақсад Президентимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорларига асосан «Микрокредитбанк» олдига қўйилган вазифалар — кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш, оилавий бизнес ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш, шулар орқали янги иш ўринлари барпо этиш, қишлоқ жойларда аҳоли кенг қатламини микромолиялаш ва уларга микролизинг хизматлари кўрсатишни янада яхшилаш эди.

#### Банк тизими

Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида бошқармамиз томонидан ўтган йилнинг 9 ойида жами 9084,0 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Хусусан, тадбиркорлик, кичик бизнес, фермерликни қўллаб-қувватлашга 2104,9 миллион сўм, жумладан, банкнинг ўз захираси ҳисобидан 643,7 миллион сўм, бошланғич сармояни шакллантириш учун 172,2 миллион сўм, айланма маблағни тўлдириш учун 722,7 миллион сўм миқдорида микрокредитлар берилиб, 525,3 миллион сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди.

Банк бошқармаси бўйича, шунингдек, 2007 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари, жумладан, механизатору сувчилар, теримчилару ёрдамчилар иш ҳақлари учун 19031,9 миллион сўм нақд пул берилди. Шу муддат мобайнида пластик карточкалар орқали савдо ташкилотларида 629,4 миллион сўм, терминаллар орқали эса 280,8 миллион сўм айланишига эришилди. Банкнинг «Соғлом авлод», «Имконият», «Истеъмол», «Шодиёна» каби кўплаб омонат турларидан ҳам фуқаролар кенг фойдаланишмоқда.





Бир сўз билан айтганда, «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойили асосида иш юритилаётган мазкур молия муассасаси жамоаси юртдошларимиз ишончини қозониш мақсадида астойдил ҳаракат қилмоқда. Бу ўз самарасини бераётир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ.** t

---

**Бандлик**

***Қарши шаҳридаги Болалар боғида Бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлди. Унда шаҳардаги 78 та корхона, ташкилот ва муассасалар вакиллари иштирок этиб, талабгорларга 330 та бўш иш ўрнини таклиф қилишди.***

### Бўш иш ўринлари ярмаркаси

Ярмарка давомида шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари 142 нафар фуқаронинг ишга жойлашиш ҳақидаги меҳнат шартномасини рўйхатга олдилар. Улардан 78 таси ёшлар, 57 таси хотин-қизлардир. Иш сўраб мурожаат қилган ёшлардан 30 нафари марказ томонидан Қарши қурилиш коллежи ҳузурида ташкил этилган касбга тайёрлаш курсларига жалб қилинди. Улар қисқа муддатда каштачи, тикувчи, зардўзлик касбларини эгаллаб, якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланадилар.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# ДЕҲҚОННИНГ ҲАҚИҚИЙ ҲАМКОРИ

***Зангиота туманидаги "Улуғбек бахт юлдузи" агрофирмаси ўтган йили ғаллачилик, узумчилик ва мева-сабзавотчилик билан шуғулланадиган юздан зиёд фермер хўжалигидан 1130 тонна маҳсулот қабул қилиб олиш хусусида икки юзга яқин шартнома тузди. Бундан ташқари, Тошкент шаҳри деҳқон бозорларига 118 миллион сўмлик 678 тонна мева-чева етказиб беришга доир битимлар имзолади. Авжи ёзда эса яна бир хайрли ишга қўл урди. Қатортол қишлоғида деҳқончилик маҳсулотларини замонавий технологиялар воситасида қуритадиган ва ихчам-бежирим идишларга қадоқлаб, савдога чиқарадиган цех қурди. Ўндан ортиқ кишини ишга қабул қилиб, ҳар бирига ўртача 120 минг сўмдан маош тайинлади. Бу кўплаб оилалар рўзғорига барака киритди.***

Агрофирма аҳлининг келгусидаги режалари ҳам чакки эмас. Улар айни кезларда 260 миллион сўм маблағ эвазига томат ва шарбатлар, мева-сабзавотларни сақлашга мўлжалланган пластмасса идишлар ҳамда уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарадиган шохобчалар барпо этишни мўлжаллашаяпти. Бу ният амалга ошса, агрофирма фаолияти анча кенгаяди. Муҳими, фермерлар мушкули тағин-да осонлашиб, 230 киши ишли бўлади. Қатортол маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқариш имконияти туғилади.

Масалага шу жиҳатдан ёндашганда, Паркент туманининг Невич, Новдак, Санганак ва Шампань қишлоқлари ҳудудидаги 232 та фермер хўжалигини ўз сафига бирлаштирган "Бошқизилсой" агрофирмаси амалга ошираётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. У фермерлар корига яраш асносида ҳаваскор боғбонлар, дала-ҳовли, кичик деҳқон хўжалиги ва шахсий томорқа соҳиблари билан ҳам ҳамкорликни мустаҳкамлаб, аҳолига ваколатлари доирасида хизмат кўрсатишни йўлга қўйди. Туманда мева-сабзавот ва узум етиштириш 250-300 тоннага ортиб, сифати кескин яхшиланишига ва харидорлари кўпайишига муносиб улуш қўшди.

Бундай агрофирмаларнинг равнақ топишида Президентимизнинг 2006 йил 11 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори муҳим омил бўлмоқда. Банклар мазкур қарор ижросини таъминлаш жараёнида агрофирмаларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқдалар. Қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилишлари, замонавий жиҳозларга эга саноат иншоотлари тиклашлари учун имтиёзли кредитлар ажратмоқдалар. Чунончи, Халқ банкининг вилоят бўлими томонидан айни шу мақсадда Чиноздаги "Қорақалпоқ фруктиз"га 5 миллион сўм, "Савдогарбанк"нинг Қибрай филиали томонидан ўнта агрофирмага 257 миллион сўм берилди. "Пахтабанк" шохобчалари эса турли туманлардаги "Гулбоғагро", "Бўстонагро", "Халқободагрофайз", "Сўқоқ-Чотқол", "Паркент-Навбаҳор", "Оҳангарон жавоҳирлари" агрофирмаларини 505,6 миллион сўмлик сармоя билан таъминлади.

#### Ислоҳот

Табиийки, бу маблағлар агрофирмаларнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдан ташқари, фермер хўжаликлари ерларида ҳосилдорликни оширишда ҳам қўл келаётир. Пировардида деҳқончилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар фаолияти тобора жонланмоқда. Мисол учун, "Ғазалкентмева" қўшма корхонасини олайлик. У ўз йўналишидан келиб чиқиб, бултур Бўстонлиқдаги агрофирмалар ва фермер хўжаликлари билан мустаҳкам алоқа боғлади. Дала ноз-неъматларини маромида етказиб беришлари учун таъминотчиларга аванс тариқасида олдиндан 220 миллион сўм тўлади. Шунингдек, Қувасой шиша заводидан турли сиғимли, осон очилиб-ёпиладиган бурама қопқоқли идишларни узлуксиз олиш чораларини кўрди. Масаллиқларни микроблардан тозалайдиган компьютерлаштирилган линия ўрнатиб, омборхона қуришга киришди. Ҳозир заводдан чиқаётган турли нав помидор томатлари, бодринг, бақлажон, қовоқча икраларига ички ва ташқи бозорда талаб кучайиб бораяпти. Жумладан, Россиянинг йирик шаҳарларидан кўплаб буюртмалар тушаяпти.

Экологик жиҳатдан беғубор, хуштаъм ва тўйимли мева-сабзавотларнинг кўпайиши Паркентдаги "Ирригатор" масъулияти чекланган жамияти ҳаётида ҳам кескин ўзгариш ясади. Корхона тўлиқ реконструкция қилиниб, томат-паста ва туршаклар тайёрлайдиган илғор технологиялар билан жиҳозланди. Бундан руҳланган жамоа аҳли келгусида ўз маҳсулотларининг асосий қисмини МДҲ мамлакатларига экспорт қилишни мўлжалламоқда.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

#### Кўргазма

***Яқинда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида «Тасвирлар: Истиқлол аёллар тақдирида» мавзуида фотокўргазма уюштирилди.***

### Аёл борки, олам мунаввар

Мазкур маърифий кўргазма экспозицияси 50 дан зиёд асарни ўз ичига олган бўлиб, уларда тарихий ва замонавий ҳаётнинг бетакрор лаҳзалари акс этган.

Ўз даврининг машҳур фотоусталари бўлган Х. Девонов, М. Пенсон, О. Ландер, К. Розиқов, Г. Пун, Д. Михайлов ҳамда Виктор Ан, Владимир Жирнов, Рустам Шагаев, Рустам Шарипов ва Фарҳод Қурбонбоев сингари бизга замондош таниқли сураткашлар ишлаган фотолавҳалардаги тақдирларнинг ҳаммаси гўёки сизга танишдек, опа-сингил ёки қадрдондек бўлиб туюлади. Фотоқаҳрамонларнинг қиёфаларида «гапириб» турган қувончи, дарди, ҳаяжонларига шерик бўлмасдан нари кетолмайсиз. Хусусан, «Ойша бувининг йиллари», «Эгизакларнинг туғилиши», «Фронтга совғалар», «Шифокорлар учиб келишди», «Ўзбек мадоннаси», «Баҳор», «Она», «Зардўз аёл иш устида», «Кичик малика», «Хаёлот», «Марғилонлик танноз» ва бошқа бадиий лавҳалар томошабинда алоҳида таассурот қолдиради.

— «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошира бориб, аёлларни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳимоялашга қаратилган қатор тадбирларни ўтказиб келаяпмиз, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари М. Зуфарова. — Жумладан, ушбу кўргазмага Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги кўпгина олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларини, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда Тошкент шаҳридаги фаол аёллару бошқа қизиқувчиларни таклиф этдик.

Аёл сиймосидаги ҳусндорлик, талъатидаги бокиралик, қалбидаги диловарлик, бағридаги оналик қуёши акс этган кўргазмадаги фотосуратлар тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

**Муҳаббат ТЎХТАШЕВА.**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИ ҚУРИШ ВА ЖИҲОЗЛАШ» ЛОЙИҲАСИ доирасидаги Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида жойлашган 53-сонли умумтаълим мактабини қуриш бўйича ўтказиладиган такрорий халқаро тендер савдоларини ўтказиш муддати узайтирилиши тўғрисида эълон**

**Ислом Тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган «Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш» лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи Қашқадарё вилояти, Китоб туманида жойлашган 53-сонли умумтаълим мактабини қуриш бўйича тендер савдолари қатнашчиларининг ёзма мурожаатларига асосан, мазкур лойиҳа доирасида ўтказиладиган такрорий халқаро тендер савдолари муддати 2008 йил 14 январга қадар узайтирилишини маълум қилади.**

Қўшимча маълумот учун Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи менежери Фаязов Джамшедга мурожаат этиш мумкин.
Манзил: 100078, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 107-хона.
Телефон: + 998 71 139-46-50. Факс: + 998 71 139-17-05.
E-mail: uzb 020@yahoo.com

10R/16

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Организация
реализует со склада
в Ташкенте следующие
ШИНЫ
российского производства:

| Размер | Модель |
|---|---|
| 13,6-38 | Я-166 нс 6 |
| 15,5-38 | Ф-2АД нс8 |
| 9,00-16 | Я-324А нс10 |
| 28,1R26 | ФД-12М нс12 и 158 |
| 9,5-42 | Я-183 нс8 |
| 18,4/78-30 | Я-319 нс8 и 139 |
| 10.00R20 | И-281, У-4 нс 16 |
| 8,25 R20 | |

а также любые другие модели под заказ.

Адрес: г. Ташкент, ул. У. Юсупова, 36.
Тел./факс: 144-71-75, 144-30-79.
E-mail: euroaz@mail.ru

1663R/2060
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ

## ДАВЛАТ АКТИВЛАРИ ВА ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН МАЖБУРИЯТЛАР ЭВАЗИГА БЕПУЛ БЕРИЛИШИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

**ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!**

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи давлат комиссиясининг 2007 йил 27 декабрдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги 672-сонли «2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ жойлаштирилмаган давлат активлари аниқ инвестиция лойиҳалари ва янги инвесторлар маблағлари ҳисобидан тўлиқ молиялаш мажбуриятларини олиш шарти билан бепул берилиши лозим бўлган фаолият кўрсатмаётган, самарасиз, шу жумладан, қурилиши тугалланмаган корхона ва объектларни инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича танлов эълон қилади.

**Танлов ўтказиш муддати** — 2008 йил 3 март.
**Танлов ўтказиш жойи** — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ҳудудий танлов комиссиялари.

Танловда барча жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари (хорижий сармоядорлар) қатнашишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун инвестор эълон қилинган танлов ўтказилиши санасидан камида уч кун олдин ҳудудий комиссиянинг кўриб чиқиши учун муҳрлаб қўйилган конвертда танлов шартларига мувофиқ ўз таклифини тақдим этиши лозим.

**Танлов таклифида бизнес-режа, бажариш муддатлари кўрсатилган ҳолда инвестиция дастури (лойиҳа), асбоб-ускуналар етказиб бериш (агар у назарда тутилган бўлса), унинг технологик параметрлари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг режалаштирилаётган ассортименти ва унинг рақобатбардошлилиги, хом ашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, кутилаётган иқтисодий самара, шунингдек, сотиш объектини молиявий-хўжалик жиҳатдан соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан хўжалик мақсадларида фойдаланишни тиклаш бўйича инвесторнинг бошқа мажбуриятлари ва режалари қайд этилган бўлиши керак.**

Танловда иштирок этишни истаган шахслар ҳудудий танлов комиссияларига — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоят ҳокимликларига ва Тошкент шаҳри ҳокимлигига ёки Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бошқармаларига мурожаат қилишлари мумкин.

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

**Маълумот учун телефонлар:** 139-21-79, 150-72-11.
**Интернет: www.gki.uz**

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли Қарорининг 3-иловасига биноан, жойлаштирилмаган давлат активлари аниқ инвестиция лойиҳалари ва янги инвесторлар маблағлари ҳисобидан тўлиқ молиялаш мажбуриятларини олиш шарти билан бепул берилиши лозим бўлган фаолият кўрсатмаётган, самарасиз, шу жумладан, қурилиши тугалланмаган корхона ва объектларнинг ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

| № | Корхона ва объектларнинг номлари | Жойлашган манзили | Хусусийлаштирилиши белгиланган давлат улуши (%) | Хусусийлаштириш тартиби (тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида ёки ишлаб чиқариш бино-иншоотлари ва эгаллаб турган ер майдонини таркибий ўзгартириш режаси бўйича) | Фаолият тури (фаолият турини сақлаган ҳолда ёки фаолият турини сақламаган ҳолда) | Минимал инвестиция миқдори (млн. сўм) | Инвестиция мажбуриятларини бажариш муддати (йил) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **Андижон вилояти** | | | | | | |
| 1. | «Хонобод киновидео» МЧЖ | Андижон вилояти, Хонобод шаҳри | 80,4 | давлат улушини хусусийлаштириш | фаолият турини сақлаган ҳолда | 70,0 | 1 |
| | **Жиззах вилояти** | | | | | | |
| 2. | «Нарвон» ҚУБнинг бўш турган биноси | Жиззах вилояти, Фориш тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақламаган ҳолда | 10,0 | 1 |
| 3. | «Еримбетов» номли қишлоқ амбулаториясининг бўш турган биноси | Жиззах вилояти, Фориш тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақламаган ҳолда | 15,0 | 1 |
| 4. | «Нарвон-1» ФДПнинг бўш турган биноси | Жиззах вилояти, Фориш тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақламаган ҳолда | 10,0 | 1 |
| 5. | «Нарвон-2» ФДПнинг бўш турган биноси | Жиззах вилояти, Фориш тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақламаган ҳолда | 10,0 | 1 |
| | **Қашқадарё вилояти** | | | | | | |
| 6. | «Файзиобод» ФДПнинг бўш турган биноси | Қашқадарё вилояти, Қарши тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақлаган ҳолда | 20,0 | 1 |
| 7. | «Жайрахона» ФДПнинг бўш турган биноси | Қашқадарё вилояти, Китоб тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақлаган ҳолда | 20,0 | 1 |
| 8. | «Улуғбек» ҚВАнинг бўш турган биноси | Қашқадарё вилояти, Китоб тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақлаган ҳолда | 15,0 | 1 |
| 9. | Собиқ «Жейнов» ҚУБнинг бўш турган биноси | Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақлаган ҳолда | 40,0 | 1 |
| 10. | Собиқ «Калмок» ФДПнинг бўш турган биноси | Қашқадарё вилояти, Китоб тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақлаган ҳолда | 25,0 | 1 |
| 11. | «Чироқчи пахта тозалаш» АЖнинг қурилиши тугалланмаган чойхона биноси | Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақламаган ҳолда | 150,0 | 1 |
| | **Навоий вилояти** | | | | | | |
| 12. | «Тавоис» ҚВАнинг бўш турган биноси | Навоий вилояти, Қизилтепа тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақламаган ҳолда | 30,0 | 1 |
| | **Наманган вилояти** | | | | | | |
| 13. | «Наврўз» ФДПнинг бўш турган биноси | Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақлаган ҳолда | 12,0 | 1 |
| 14. | «Оқава» ФДПнинг бўш турган биноси | Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақлаган ҳолда | 12,0 | 1 |
| 15. | «Темир қишлоқ» ФДПнинг бўш турган биноси | Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақлаган ҳолда | 12,0 | 1 |
| 16. | «Уйчи» ФДПнинг бўш турган биноси | Наманган вилояти, Уйчи тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақлаган ҳолда | 12,0 | 1 |
| 17. | «Кесканер» ФДПнинг бўш турган биноси | Наманган вилояти, Чортоқ тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақлаган ҳолда | 12,0 | 1 |
| 18. | «Мингбулоқ босмахонаси» МЧЖ | Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани | 64,8 | давлат улушини хусусийлаштириш | фаолият турини сақлаган ҳолда | 30,0 | 1 |
| 19. | «146 ХМКК» | Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақламаган ҳолда | 200,0 | 1 |
| 20. | «Оқтош тайёрлаш бутлаш корхонаси» | Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақламаган ҳолда | 100,0 | 1 |
| | **Самарқанд вилояти** | | | | | | |
| 21. | «Жомбой босмахонаси» МЧЖ | Самарқанд вилояти, Жомбой тумани | 60 | давлат улушини хусусийлаштириш | фаолият турини сақлаган ҳолда | 25,0 | 1 |
| | **Сурхондарё вилояти** | | | | | | |
| 22. | Жарқўрғон МТШга қарашли собиқ йирингли-жарроҳлик бўлимининг бўш турган биноси | Сурхондарё вилояти, Ангор тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақлаган ҳолда | 50,0 | 1 |
| 23. | Қурилиши тугалланмаган 500 ўринли физиологик-даволаш маркази биноси | Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақламаган ҳолда | 150,0 | 1 |
| | **Сирдарё вилояти** | | | | | | |
| 24. | Т.Гуломов номли ҚВАнинг биноси | Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақламаган ҳолда | 20,0 | 1 |
| 25. | Қурилиши тугалланмаган ҳаммом биноси | Сирдарё вилояти, Ширин шаҳри | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақламаган ҳолда | 50,0 | 1 |
| 26. | «Оқолтин туман КФБ» МЧЖ | Сирдарё вилояти, Оқолтин тумани | 70 | давлат улушини хусусийлаштириш | фаолият турини сақлаган ҳолда | 30,0 | 1 |
| 27. | «Ширин шаҳар КФБ» МЧЖ | Сирдарё вилояти, Ширин шаҳри | 72 | давлат улушини хусусийлаштириш | фаолият турини сақлаган ҳолда | 70,0 | 1 |
| | **Фарғона вилояти** | | | | | | |
| 28. | Қурилиши тугалланмаган «BESH-KRAFT-EX» ишлаб чиқариш комплекси | Фарғона вилояти, Бешариқ тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақламаган ҳолда | 2 000,0 | 2 |
| 29. | «Фарғонаирқурилиш» АЖнинг «Сўх ирмоғи» бетон заводи ва омбори | Фарғона вилояти, Боғдод тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақлаган ҳолда | 150,0 | 1 |
| 30. | «Оқ жар» ҚВАнинг бўш турган биноси | Фарғона вилояти, Данғара тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақлаган ҳолда | 15,0 | 1 |
| 31. | «Оқ жар» ФДПнинг бўш турган биноси | Фарғона вилояти, Данғара тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақлаган ҳолда | 15,0 | 1 |
| 32. | Қурилиши тугалланмаган омбор биноси | Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақламаган ҳолда | 200,0 | 1 |
| 33. | «Фарғона троллейбус бошқармаси» корхонаси | Фарғона шаҳри | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақламаган ҳолда | 400,0 | 2 |
| 34. | Коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси гаражаининг бино ва иншоотлари (собиқ махсус автобаза корхонаси) | Фарғона шаҳри | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақламаган ҳолда | 300,0 | 2 |
| 35. | Тугатилган «Риштон парранда» корхонасининг мулкий мажмуалари | Фарғона вилояти, Риштон тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақлаган ҳолда | 1 000,0 | 2 |
| 36. | «Сувиншооттаъмир» шўъба корхонаси | Фарғона вилояти, Данғара тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақлаган ҳолда | 350,0 | 2 |
| | **Тошкент вилояти** | | | | | | |
| 37. | «Дўстлик» ҚВАнинг бўш турган биноси | Тошкент вилояти, Бўка тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | хусусий ветеринария участкалари, хусусий клиника ва бошқа соғлиқни сақлаш ёки маиший хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича таклифларни биринчи навбатда имтиёзли равишда кўриб чиқиш шарти билан | 15,0 | 1 |
| 38. | «Дўстлик» ҚВАнинг собиқ соғломлаштириш пункти биноси | Тошкент вилояти, Бўка тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | хусусий ветеринария участкалари, хусусий клиника ва бошқа соғлиқни сақлаш ёки маиший хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича таклифларни биринчи навбатда имтиёзли равишда кўриб чиқиш шарти билан | 15,0 | 1 |
| 39. | «Деҳқонобод» ФДПнинг бўш турган биноси | Тошкент вилояти, Чиноз тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | хусусий ветеринария участкалари, хусусий клиника ва бошқа соғлиқни сақлаш ёки маиший хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича таклифларни биринчи навбатда имтиёзли равишда кўриб чиқиш шарти билан | 15,0 | 1 |
| 40. | «Кердара» ФДПнинг бўш турган биноси | Тошкент вилояти, Чиноз тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | хусусий ветеринария участкалари, хусусий клиника ва бошқа соғлиқни сақлаш ёки маиший хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича таклифларни биринчи навбатда имтиёзли равишда кўриб чиқиш шарти билан | 15,0 | 1 |
| 41. | Собиқ туберкулёз диспансерининг бўш турган биноси | Тошкент вилояти, Чиноз тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | хусусий ветеринария участкалари, хусусий клиника ва бошқа соғлиқни сақлаш ёки маиший хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича таклифларни биринчи навбатда имтиёзли равишда кўриб чиқиш шарти билан | 15,0 | 1 |
| 42. | Қурилиши тугалланмаган 4 қаватли тураржой биноси | Тошкент вилояти, Қибрай тумани | 100 | тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида | фаолият турини сақлаган ҳолда | 500,0 | 15 ой |

*Илмий ва лойиҳалаштириш ташкилотлари, компаниялар ва фирмалар раҳбарлари диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ**

«БОЖХОНА ОМБОРИ» ЯГОНА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМИ
**ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Танловда web-технологиялари ва маълумотлар базасини бошқарув тизимлари асосида йирик ташкилотларга дастурий таъминотлар ишлаб чиқишда ижобий тажрибага эга бўлган компаниялар иштирок этишлари мумкин.

*Таклифларни тақдим этиш муддати — эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кун давомида.*

**Маълумотлар ва техник талабларни олиш учун Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уйга мурожаат қилиш мумкин. Телефон: 120-76-00. Ички телефонлар: 28-95, 28-60.**

**«TOSHKENT REGIONAL TRADING» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**

ҚУЙИДАГИЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРАДИ:
- *Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 2-уйда жойлашган «Бизнес-марказ» биносининг I-қаватидаги умумий майдони 530 кв.м. бўлган савдо майдони ва омборхоналар.*
- *Чирчиқ шаҳридаги 500 тонна маҳсулотни сақлашга мўлжалланган музлатгич.*

СОТАДИ:
- *Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Туябўғиз қўрғони, Навоий кўчасида жойлашган, фойдали майдони 180,2 кв.м. бўлган савдо дўкони.*

**Мурожаат учун телефонлар: 152-11-34, 152-11-75.**

«Gamma-Elektro»
ОРГАНИЗАЦИЯ РЕАЛИЗУЕТ СО СКЛАДА В ТАШКЕНТЕ И НА ЗАКАЗ:
КАБЕЛЬ
СИЛОВОЙ АВВГ 2х2, 5 - 4х240 ААШВ; АСБ; 3х95-3х240
С ИЗОЛЯЦИЕЙ ИЗ СШИТОГО ПОЛИЭТИЛЕНА от 10 до 110 кВ
Термоусаживаемые муфты от 1 до 35 кВ - СТп, КВТп, КНТп
ВОЛОКОННО-ОПТИЧЕСКИЕ КАБЕЛИ СВЯЗИ МКСБ, ТЗГ, ТЗАШп, ЗКП
ЛАМПЫ (L18W OSRAM, ЛД-20; 40; 80, ДРЛ 125-700, ДНАТ 250; 400)
СВЕТИЛЬНИКИ (ЛПО, ЛСП, РСП, РКУ, ПЗМ и т.д.)
ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛИ
СЧЕТЧИКИ ЭЛЕКТРОЭНЕРГИИ ОДНО- И ТРЕХФАЗНЫЕ, МНОГОТАРИФНЫЕ
ДИЗЕЛЬ-ЭЛЕКТРОСТАНЦИИ
Тел./факс: 8 (371) 136-01-54, 133-12-84.
E-mail: gamma-elektro@yandex.ru

## БУХОРО ВИЛОЯТИ КАРАНТИН ИДОРАСИ ЖАМОАСИ

ҳамкасблар
ва мамлакатимиз
фуқароларини

**Янги йил айёми**

билан табриклайди.

Азиз юртимизда
ҳамиша байрам шукуҳи
кезиб юраверсин.

Дилимиздаги эзгу
ниятлар ижобат бўлсин.

## «ЯККАТУТДОН» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни
**«Ёшлар йили» билан**
муборакбод этар экан,

Янги йил қут-барака, бахт,
омад, мўл-кўл ризқ-насиба
олиб келишини
тилайди.

## «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ «ФАРҒОНАТЕЛЕКОМ» ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

бутун Ўзбекистон халқини, алоқа
тизими ходимларини,
вилоятдаги соҳадош корхоналар
жамоаларини

**Янги, умидли 2008 йил билан**

чин дилдан муборакбод этади!

Жамоа 2007 йилда катта ютуқларга эришди.
Жумладан, олис Шоҳимардон, Чимён қишлоқларида рақамли алоқа телефонлари ишлай бошлади.
40 та янги сервис хизмати очилиб, 45 та иш ўрни яратилди.
Янги йилда улар сафига яна 50 та шохобча қўшилади.
Шунингдек, мижозларга 16 та қўшимча хизмат тури тақдим этилади.

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

### «Ўзбекэнерго» ДАК

**электр энергиясининг барча истеъмолчиларига, шу жумладан, юридик ва жисмоний шахсларга ҳам, 2008 йил учун энергия билан таъминлашга шартномалар тузилиши зарур эканлиги тўғрисида маълум қилади.**

Амалдаги шартномалар муддати узайтирилмайди.

Шартномани тузиш учун электр энергиясининг истеъмолчилари объект жойлашган манзил бўйича энергия билан таъминловчи ташкилотга мурожаат қилишлари зарур.

*Шартномалар қуйидаги шартлар бажарилганда тузилади:*

— *ҳисобга олинадиган ҳисоб-китоб нуқталарида замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилган бўлса (маиший истеъмолчилардан ташқари);*
— *2007 йилда амал қилаётган шартнома бўйича истеъмолчининг муддати ўтган дебиторлик қарзлари мавжуд бўлмаганда.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

**ТЕЗКОР! ТЕЖАМКОР! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!**

- *хўжалик низоларининг тез ҳал қилиниши (низонинг бир инстанцияда жуда қисқа муддатларда кўриб чиқилиши);*
- *муҳокаманинг камчиқимлилиги (низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган тарафларнинг камчиқимлари);*
- *судьяларнинг касб маҳорати (судьяни сайлаш энг тажрибали, маҳоратли шахслар ичидан тарафлар томонидан амалга оширилади);*
- *мобиллик (низони Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида кўриб чиқиш имконияти);*
- *Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг узил-кесиллиги (давлат судига Ҳакамлик суди ҳал қилув қарори мазмуни устидан шикоят қилиш мумкин эмас);*
- *Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан кафолатланган тартибда мажбурий ижро этиш (давлат судларининг қарорлари ижро этилиши ўрнатилган тартибда).*

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик суди

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 6-уй.
Телефон: (+998-71) 139-43-29. Факс: (+998-71) 132-09-03.
web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

# «Когонёғ»

ҳиссадорлик жамияти жамоаси

республикамиз аҳлини

Янги — 2008 йил — «Ёшлар йили» билан самимий қутлайди!

*Юксалиш ва тараққиёт йўлида шахдам одимлаётган юртдошларимиз хонадонларига тинчлик, хотиржамлик, дастурхонларига файзу барака тилайди.*





*Нон — иймон, дейди халқимиз. Дона буғдой янги шудгорланган ерга қадалиб, то халқимиз дастурхонига нон шаклида етиб боргунича бободеҳқонларнинг, тегирмончиларнинг, новвойларнинг қанчадан-қанча меҳнати, меҳр қўри сарфланади. Ана шундай улуғ ва шарафли ишга ўзларининг камтарин ҳиссасини қўшиб келаётган*

# «ОҚОЛТИНДОН»

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини

Янги — 2008 йил

билан самимий муборакбод этади!

*Юртимиз тинч, ҳаётимиз янада фаровон бўлаверсин, ҳар бир хонадондан ҳамиша нон иси аримасин!*



## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**2008 йил 22 январь** куни соат 11.00 да Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уйда, Республика Кўчмас мулк биржаси (РКМБ) Хоразм вилояти филиали биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 19 июлдаги 1-357/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Хоразмавтойўл» магистрал йўллардан фойдаланиш бошқармасига етказилган зарарни қоплаш учун мусодара қилинган қуйидаги мулк қўйилади: «НИССАН-Патруль» русумли автотранспорт воситаси, давлат белгиси 30 С5445, тўқ яшил металл рангли, 1998 йилда ишлаб чиқарилган.

*Бошланғич баҳоси — 50 804 556 сўм.*

**Юқоридаги мазмундаги реклама «Хоразм ҳақиқати» газетасининг 2007 йил 22 декабрдаги 102-сонида чоп этилган.**

**Худди шу манзилда 2008 йил 29 январь** куни соат 11.00 да Республика Кўчмас мулк биржаси (РКМБ) Хоразм вилояти филиали биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Урганч тумани суд ижрочилари бўлими томонидан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 19 июлдаги 1-357/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Хоразмавтойўл» магистрал йўллардан фойдаланиш бошқармасига етказилган зарарни қоплаш учун мусодара қилинган қуйидаги мулклар қўйилади:

1. *Урганч тумани, Ғойбу қишлоғи, Проектная кўчаси, 5-уйда жойлашган, умумий ер майдони — 707,2 кв. метр, шундан қурилиш ости ер майдони 644,8 кв. метрни ташкил этган, Динара Полвоновага тегишли бўлган уй-жой. Бошланғич баҳоси — 110 935 626 сўм.*
2. *Урганч тумани, Мевазор кўчаси, 8-уйда жойлашган 2-хонадон, умумий ер майдони — 427,72 кв. метр, шундан қурилиш ости ер майдони 252,16 кв. метрни ташкил этган уй-жой. Бошланғич баҳоси — 39 597 744 сўм.*
3. *Урганч шаҳри, Фаязова кўчаси, 1-уйда жойлашган, қурилиш ости ер майдони 909,7 кв. метрни ташкил этган, Парход Раҳимовга тегишли бўлган ҳаммом биносининг бир қисми. Бошланғич баҳоси — 58 301 254 сўм.*

**Юқоридаги мазмундаги реклама «Хоразм ҳақиқати» газетасининг 2007 йил 26 декабрдаги 103-сонида чоп этилган.**

***Шунингдек, 2008 йилнинг 15 январь куни*** *очиқ кимошди савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:* Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2006 йил 24 августдаги 22.06.06-4238 н-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Урганч шаҳри, Саноатчилар кўчаси, 1-уйда жойлашган, «Урганч экскаватор» ОТАЖга қарашли қуйидаги мулк: «ЭО-3211 Е1» русумли экскаватор, завод рақами 3688, 1991 йилда ишлаб чиқарилган.

*Бошланғич баҳоси — 38 798 000 сўм.*

**Юқоридаги мазмундаги реклама «Хоразм ҳақиқати» газетасининг 2007 йил 12 декабрдаги 99-сонида чоп этилган.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдоридаги закалат пулини РКМБнинг Хоразм вилояти филиали (савдо ташкилотчиси)нинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: АТИБ «Ипотекабанк»и «Тинчлик» филиали, МФО 00580, х/р 20210000700571452056, ИНН 200933850.

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон орқали олиш мумкин: 226-32-63.**
**Факс: 226-43-64. Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz**

Лицензия: DB 001 № 000004.


*Муҳтарам газетхон! Газетамизнинг ушбу сонидаги қўш саҳифа бепул илова қилинмоқда.*




Drive your way

Тел.: 250-11-11,
250-69-99,
Факс: 250-55-99. Кафолат — 2 йил. Маҳсулот сертификатланган.

HYUNDAI Official Partner www.hyundai-motor.com



**Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида биргина Хоразм вилоятида 145 та ёш оила янги уй-жойга эга бўлди. Шунингдек, 609 та ёш оилага истеъмол, 1123 тасига микрокредитлар ажратилди.**

# ЯНГИ ЙИЛНИ ЯНГИ УЙЛАРДА КУТИШДИ

Бундай имтиёздан биринчилардан бўлиб урганчлик Умрбек Абдураҳмонов фойдаланди. Оиласи учун уй сотиб олиш — унинг орзуси эди. Шу мақсадда «Асакабанк»нинг вилоят бўлимига мурожаат қилган эди, аризаси ижобий ҳал этилди. Умрбек дарҳол зарур ҳужжатларни тўплаб, белгиланган кредитнинг 25 фоизи миқдоридаги бошланғич бадални банк депозитига қўйди. Қисқа вақт ичида унга ажратилган 19 млн. сўм кредит маблағи ҳисобига эса Урганч шаҳрининг 4-даҳасидаги кўп қаватли уйларнинг биридан квартира харид қилди.

— Оиламиз билан Янги йилни янги уйда кутиб олдик, — дейди у қувончини яширолмай. — Ўз уйинг, ўз бошпананг бўлганига нима етсин! Бу оддий ғамхўрлик эмас, мамлакат келажаги учун қайғуришдир. Жорий йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилингани қувончимизга янада қувонч қўшди. Ушбу йилда бизга ўхшаб уйли бўладиган оилалар сони янада ортади. Ёш оилалар мустаҳкам, бахт-саодатли бўлишлари учун янада кенг имкониятлар яратиб берилади, деган умиддамиз.

Дарҳақиқат, Президент Фармони ижросини таъминлаш ишига ҳокимликлар, идоралар билан биргаликда тижорат банклари ҳам катта масъулият билан ёндашмоқдалар. Вилоятда бу борада махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унда ҳар бир ёш оила эътиборга олинган.

## Фармон ва ижро

Бугунги кунгача вилоятдаги тижорат банклари томонидан ёш оилаларга уй-жой сотиб олишлари ёки уй-жой қуришлари учун 2 млрд. 302 млн. сўмдан ортиқ ипотека кредитлари ажратилгани фикримиз далилидир,

Банкларда имтиёзли кредитлар олишнинг ниҳоятда соддалаштирилган тартиби қўлланилаётгани, айниқса, барчага манзур бўлмоқда. Фақат ёш оила эгаси банкка ариза билан мурожаат қилиши учун муқим иш жойи ва тўлов қобилиятига эга бўлса, бас. Масалан, Урганч тумани, Ғайбу қишлоғида истиқомат қилаётган Ҳурмат Нуруллаевга 12 млн. сўмлик кредитни қўлга киритишига ўн беш кун кифоя қилди.

Фармонда, шунингдек, ёшларнинг рўзғорини моддий таъминлаш имкониятини яратиш учун уларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш масаласи ҳам назарда тутилгани диққатга сазовор. Айтиш жоизки, вилоятдаги молиявий муассасалар масалага ана шу жиҳатдан келиб чиқиб ёндашмоқда. Фармон қабул қилингандан буён ўтган вақт мобайнида ёш тадбиркорларга 1 млрд. 722 млн. сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратилгани шундан далолат беради.

Вилоят ёшлари ўзларининг оилавий шароитларини яхшилаш ниятида банкларнинг истеъмол кредитларидан ҳам кенг фойдаланмоқдалар. Чунончи, ўтган бир йил мобайнида 609 нафар фуқаро 1 млрд. 179 млн. сўмдан ортиқ молиявий ёрдам туфайли зарур уй жиҳозларига эга бўлишди.

— Ҳукуматимиз оилапарвар, айниқса, ёш оилалар унинг эътиборида турибди, — дейди «Пахтабанк»нинг Шовот тумани бўлими бошқарувчиси Гулхумор Дўсова. — Бундай хайрли ишда бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан ниҳоятда хурсандмиз.

Қувонарлиси, юзлаб ёш оилалар Янги йилни замонавий рўзғор ашёлари билан жиҳозланган янги уйларда кутиб олдилар. Бу уларнинг қалбида янги орзуларни уйғотиб, эртанги кунга, ўзларининг келажагига бўлган ишончларини мустаҳкамламоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.** t

---


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

**протез-ортопедия маҳсулотлари хариди бўйича протез-ортопедия маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни тендер танловига таклиф қилади.**

**Танловда иштирок этиш истаги бўлган протез-ортопедия маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар вазирликнинг тендер савдоларини ўтказиш бўйича танлов комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**
- *таклиф қилинаётган протез-ортопедия маҳсулотларининг мувофиқлик сертификати;*
- *маҳсулотларнинг гигиеник сертификати;*
- *таклиф қилинаётган маҳсулотларнинг клиник текшируви бўйича Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази хулосалари;*
- *ишлаб чиқариш қуввати ва корхона моддий-техника базаси ҳақидаги маълумот;*
- *протез-ортопедия маҳсулотларини ишлаб чиқариш техник шарт-шароитлари бўйича маълумот;*
- *маҳсулот турлари ва нархи;*
- *корхонанинг иш тажрибалари ва бозордаги фаолияти тўғрисида тааллуқли тармоқнинг муносабатлари;*
- *бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича қарздорлигининг мавжуд эмаслиги.*

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой муддат ичида қабул қилинади. Тақдим қилинадиган барча ҳужжатлар икки нусхада (1 та асл ва 1 та нусхаси), ёпиқ ҳолда, муҳрланган папкаларда қабул қилинади.

Бир ой муддат тугаганидан сўнг тендер танловида иштирок этиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар қабул қилинмайди.

Тендер танловига талаб қилинадиган ҳужжатларни тўлиқ тақдим қилган корхонанинг протез-ортопедия маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятлари ва шароитлари тендер комиссияси аъзолари томонидан жойига чиқиб ўрганиб чиқилади.

**Протез-ортопедия маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар талаб қилинган ҳужжатларни тендер комиссиясига тўлиқ тақдим қилганларидан сўнг, тендерда қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар.**

***Ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугаганидан сўнг танлов ўтказиш куни белгиланади.***

**Қўшимча маълумотлар олиш учун вазирликнинг қуйидаги: 139-88-44, 139-88-33 телефонлари орқали мурожаат қилиш мумкин.**



Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг

**«Универсал биржа маркази» МЧЖ**

**2008 йил 22 январь куни соат 11.00 да**
**Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкларни қайтадан қўймоқда:**

* Тошкент шаҳар Яккасарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2005 йил 29 декабрдаги 10-0518/11362-сонли, 2004 йил 19 ноябрдаги 10-0410/11289-сонли, 2005 йил 11 апрелдаги 10-0518/3643-сонли ва бошқа ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган, «Toshmuhandisinshootqurilish» ОАЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, «Строитель» кўчаси, 40-уйда жойлашган ишлаб чиқариш базасининг бино ва иншоотлари.
*Бошланғич баҳоси — 494 881 305 сўм.*

* Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2006 йил 26 июлдаги 10250/3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент метрополитен қурилиши дирекциясининг «Метрополитен капитал қурилиш» ДУКга тегишли, Тошкент шаҳри, Форобий ва Сағбон кўчалари кесишган чорраҳада жойлашган, қурилиши тугалланмаган «Форобий» нимстанцияси.
*Бошланғич баҳоси — 15 699 565 сўм 9 тийин.*

**2008 йил 5 февраль куни соат 11.00 да**
**Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қўймоқда:**

* Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 19 ноябрдаги 13935/2-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Юнусобод туманида жойлашган, Юнусобод ТИОККБга қарашли 1-сонли жарима майдончасида сақланаётган, давлат рақами 10W3718 бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган «ТИКО» русумли автотранспорт воситаси.
*Бошланғич баҳоси — 4 500 000 сўм.*

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минибанкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

**Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.**

**Лицензия DB001-000010.**



**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ**
**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИДА**

***2008 йил 9 январь куни соат 11.00 да***
***объектнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига:***

1. Самарқанд вилояти хўжалик судининг 14-04-09/30-3585-сонли иши бўйича 2005 йил 6 майдаги ижро ҳужжатига асосан суд ижрочилари Жиззах шаҳар бўлими томонидан хатловга олинган, Жиззах шаҳри, «А» саноат ҳудудида жойлашган, Жиззах шаҳридаги «Восток ЛТД» фирмасига тегишли «Керамзит» заводи мол-мулклари мулкий мажмуа сифатида *(маъмурий биноси, 2 та хом ашё сақлаш омборхонаси, майдалаш (дробильная) бўлими, ишлаб чиқариш мажмуаси, галерея қурилмаси, насос биноси, омборхона биноси, иссиқ сувни совутадиган қурилма (градирня) биноси, тайёр маҳсулот сақлаш омборхонаси, мазутнасос мажмуаси, сув сақлаш иншоотлари, комплекс трансформатор подстанцияси, темир-бетон девор тўсиқлари хароба ҳолда)* 476 470 807 сўм бошланғич баҳо билан қўйилади.
2. Жиззах вилояти хўжалик судининг 13-0603/6480-сонли иши бўйича 2006 йил 26 майдаги ижро ҳужжатига асосан суд ижрочилари Дўстлик туман бўлими томонидан хатловга олинган, «Дўстлик пахта тозалаш» АЖга қарашли, Дўстлик шаҳри, Ҳамза кўчасида жойлашган, умумий қурилиш майдони 575 м2, 1975 йилда қурилган, фойдаланишга яроқли, 2 қаватдан иборат маъмурий бино 52 864 117 сўм бошланғич баҳо билан қўйилади. Ушбу мазмундаги хабар «Джизакская правда» газетасининг 2007 йил 19 декабрдаги 118 (4776)-сони ва «Жиззах ҳақиқати» газетасининг 2007 йил 19 декабрдаги 119 (4777)-сонида чоп этилган.

*Шунингдек, 2008 йил 30 январь куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Жиззах вилояти хўжалик судининг 13-0602/5975-сонли иши бўйича 2006 йил 12 сентябрдаги ижро ҳужжатига асосан суд ижрочилари Дўстлик туман бўлими томонидан хатловга олинган, Дўстлик туманидаги «27-сонли МКК» МЧЖ мол-мулклари мажмуаси (Дўстлик тумани, Саноатчилар кўчасида жойлашган, умумий майдони 185,4м2, 1 қаватли, 1991 йилда қурилган, фойдаланишга яроқли, бетон қоришмалари тайёрлаш тармоғи ва бинолари) бошланғич баҳоси – 56 644 787 сўмлик мулк қўйилади. Ушбу мазмундаги хабар «Джизакская правда» газетасининг 2007 йил 26 декабрдаги 120 (4778)-сони ва «Жиззах ҳақиқати» газетасининг 2007 йил 26 декабрдаги 121 (4779)-сонида чоп этилган.*

***Талабгорлардан аризалар аукцион савдоси ўтказилишига 1 кун қолганда тўхтатилади.***

***Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини РКМБ Жиззах вилояти филиалининг иккиламчи ҳисоб рақами: 20210000000571452050 АТ «Ипотекабанк»и «Сангзор» филиали, МФО 00834, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт.***

***Савдо ғолиблари мулкнинг тўлиқ қийматини савдо натижалари тўғрисида баённома имзоланган кундан бошлаб, 5 (беш) банк куни давомида тўлаб беришлари шарт.***

**Қўшимча маълумотларни РКМБ Жиззах вилояти филиалининг 8-(372) 222-35-77, 222-34-16, 771-65-90 телефонлари орқали олиш мумкин. Манзил: Жиззах шаҳри Ш. Рашидов шоҳкўчаси, 39-уй.**



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги «2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги 493-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 456-сонли қарорига мувофиқ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**2008 йилда умумтаълим мактабларига мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомларини харид қилиш бўйича**

**тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилади.**



Тендер савдолари очиқ турда ўтказилиб, унда умумтаълим ва ихтисослаштирилган синфлар учун мактаб мебеллари ишлаб чиқариш ҳамда ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжомлари ва оргтехникаларини (шу жумладан, компьютер техникаси) етказиб бериш имкониятига эга бўлган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик мақомга эга бўлган, жумладан, кичик бизнес субектлари — Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдоларида тендер ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган юридик шахслар иштирок эта оладилар.

**Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:**
- *қайта ташкил этилиш, тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;*
- *белгиланган муддат ичида саралаш босқичи учун барча талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этмаганлар;*
- *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий идоралари билан аввал имзоланган шартномалар шартлари бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаганлар ва бажармай келаётганлар;*
- *тендер савдоси ўтказилиши тўғрисида эълон берилган кунга қадар ташкил этилганлигига 6 ойдан кам бўлганлар;*
- *Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётганлар;*
- *умумтаълим ва ихтисослаштирилган синфлар мебеллари ишлаб чиқариш учун ўзининг технологик жиҳозлари ва биноси мавжуд бўлмаганлар (тегишли лотлар бўйича).*

**Тендер савдосида қатнашмоқчи бўлган талабгорлар, уларнинг тендер таклифлари солинган конвертлар очилишидан олдин тендер комиссияси ёки тендер комиссиясининг ишчи органи томонидан ўтказиладиган саралаш босқичи (квалификационный отбор)дан ўтишлари лозим. Бунда талабгорлар тендер комиссиясининг ишчи органига тендер таклифлари билан биргаликда алоҳида папкада қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**
- *тегишли лотлар бўйича умумтаълим ва ихтисослаштирилган синфлар мебеллари ишлаб чиқариш учун ўзининг ишлаб чиқариш биноси мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат (кадастр маълумотномаси)нинг асли ёки ўрнатилган тартибда тасдиқланган нусхаси;*
- *Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаларидан талабгор банкротлик жараёнида эмаслиги тўғрисида маълумотнома;*
- *давлат рўйхатига олувчи органдан талабгор тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;*
- *талабгорнинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
- *давлат солиқ инспекциясидан талабгорнинг тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кунгача бўлган даврда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарзи йўқлигини тасдиқловчи маълумотнома;*
- *талабгорга хизмат кўрсатувчи банкдан талабгорнинг тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кунгача бўлган даврда асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома;*
- *талабгорнинг ишчи органига тендер савдоларида қатнашиш учун таклиф этаётган маҳсулоти намуналарини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси.*

Саралаш босқичи ўтказилиши муддати тендер комиссияси томонидан белгиланади.

Тендер комиссиясининг топшириғига мувофиқ, ишчи орган талабгорларнинг ишлаб чиқариш жойлари, ишлаб чиқариш қуввати, технологик ускуналари мавжудлиги ва тендер билан боғлиқ бошқа кўрсаткичларини ўрганиб чиқиш ҳуқуқига эга.

Тендер савдоларида ғолиб деб топилган корхона ва ташкилотлар имзоланган шартномалар бўйича барча мажбуриятларини шартномада келишилган муддат ичида бажаришлари талаб этилади.

Тендер савдолари тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун тендер комиссиянинг ишчи органи ҳисобланган «Ўқув таълим-таъминот» давлат унитар корхонасига эълон чоп этилгандан бошлаб (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги санасига қадар ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 92-уй.**
**Телефонлар: (8371) 268-03-37, 268-75-85. Факс: (8371) 268-03-37.**

Тендер ҳужжатлари пакетини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар ишчи органининг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига 150 000 (бир юз эллик минг) сўм миқдорида қайтариб берилмайдиган тўловни амалга оширишлари лозим: банк махсус ҳисоб рақами 20210000700101561002, АТ «Ипотекабанк»ининг Меҳнат филиали, МФО 00423, ИНН 200524742, ОКОНХ 71100.

Тендер таклифлари «Тендер савдоларида иштирок этиш йўриқномаси»нинг 12.1-бандида кўрсатилган миқдорларда закалат пули билан бириктирилган бўлиши керак. Закалат пули тендер комиссияси ишчи органининг юқорида келтирилган махсус ҳисоб рақамига ҳар бир лот бўйича алоҳида ўтказилиши лозим.

Юқорида кўрсатилган закалат суммаси билан бириктирилмаган тендер таклифлари тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Тендер таклифлари тендер комиссиясининг ишчи органига (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) юқорида кўрсатилган манзил бўйича 2008 йил 4 февраль куни соат 15.00 дан кечикмасдан тақдим этилиши лозим.

Тендер таклифлари солинган конвертларнинг очилиши тендер комиссияси томонидан амалга оширилади.


**Изланиш**

***Чустлик Раҳматилла Мадаминов балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиб, эл дастурхонига тансиқ таом тортиқ эта бошлаганига ўн тўрт йил бўлди.***

# Фермернинг топилмаси

Бугун ундан ўрнак олиб, балиқчиликка қўл ураётганлар туманда кўплаб топилади. Сабаби, Р. Мадаминовнинг тажрибаси ўзининг ҳар томонлама қулайлиги билан мутахассисларнинг ҳам эътиборини тортди.

Гап шундаки, фермер ерларнинг шўрини одатдагидан бошқача йўл билан йўқотиш йўлини топди. Бу кучли шўрланган майдонларда балиқчилик ҳавзаларини қуришдир. Чунки ҳамиша сувга тўлиб турадиган ҳавза ўрнидаги ерларнинг шўри ўз-ўзидан ювилиб, бемалол деҳқончилик қилиш учун имконият яратилади. Қолаверса, маълум муддат арзон баҳода луқмаи ҳалол етиштирилади. Масалан, «Балиқчилик» фермер хўжалигининг 1,7 гектар ердаги ҳавзасидан йилига бир тоннадан ортиқ балиқ овланаяпти.

— Туманимизда мелиоратив ҳолатини яхшилаш талаб этиладиган шўрхок ерлар анчагина, — дейди бош мироб Мирзадавлат Тошматов. — «Балиқчилик» фермер хўжалиги бошлаган тажриба бу муаммони ҳал этишда ҳар жиҳатдан қулайлигини исботлади. Боиси, остки қисми жуда қаттиқ гипсдан иборат бўлган бундай ерларда балиқчилик ҳавзалари ташкил қилинса, турғун сув ана шу қатламни юмшатади ва тўпланиб қолган тузлар ўз-ўзидан ер қаърига сингиб кетади.

**Ортиқали АЛИБОЕВ.**

---

*Тошкент Архитектура қурилиш институти қошидаги Бизнес мактаб тугатилди. Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй. Телефон: 142-15-74, 142-13-62.*

---

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси Давлат бюджети Бош бошқармасининг Ахборот-таҳлил гуруҳи мудири Ш. А. Вафаевга падари бузруквори

**Абдушариф ВАФАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва маблағ билан таъминлаш бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Ҳошимовга отаси

**Орифжон ҲОШИМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси Навоий вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Улаш Нурмановга волидаи муҳтарамаси

**ТОШБИБИ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти жамоаси меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

**Миркомил Аъзамович МИРБОБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент педиатрия медицина институти, Ўзбекистон Педиатрлар уюшмаси педиатр Муҳаббат Усмановага фарзанди

**Дониёр УСМАНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

«Самарқанд автомобиль заводи» масъулияти чекланган жамияти жамоаси корхона бош бухгалтери

**Шавкат ОЧИЛОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт



*2007 йил клубимиз фаолиятида ўчмас из қолдирди. Мамлакат биринчилиги учун курашларда мавсумни аввалги йилга нисбатан уч поғона юқори — бешинчи ўринда якунладик.*

*Қўлга киритилаётган муваффақиятларимизнинг асосий сабаби мамлакатимизда спортга, айниқса, болалар спортига берилаётган эътибор, жойларда яратилаётган шарт-шароитлар, Юртбошимизнинг футболни ривожлантиришга қаратилган Фармони билан боғлиқ десам, янглишмайман.*

# ЁШЛИК — НАВҚИРОНЛИК, ЭПЧИЛЛИК РАМЗИ

Жамоамиз учун бир эмас, иккита замонавий стадион мавжуд. Ўтган йилги мусобақаларни Олимпия захиралари маркази стадионида ўтказдик. Янгидан қурилган ярим ёпиқ бу стадионда томошабинлар учун ҳамма қулайликлар яратилган. «Динамо» стадиони эса қайтадан таъмирланди.

Тайлоқ ва Самарқанддаги спорт коллежлари, Сартепа болалар футбол мактаби, Самарқанд футбол интернат-мактабида тарбия олаётган ёшлар, ўсмирлар орасидан умидли футболчиларни танлаб олаяпмиз. Бу спорт даргоҳларининг имкониятлари беқиёс.

Янги мавсумдан умидимиз катта. Мақсадимиз бу йил медаллар учун курашиш. Тўғри, «Пахтакор», «Қурувчи», «Машъал», «Нефтчи», «Насаф», «Қизилқум», «Андижон» каби етакчи жамоалар билан тенгма-тенг курашиш, улардан устун келиш осон эмас. Лекин клубимизнинг совриндорлар сафида бўлиши, мамлакат термасига иқтидорли футболчилар тайёрлаб бериш пайти келди. Шу боис янги мавсумда жиддий ҳаракат қилишимизга тўғри келади.

## Ифтихор

Вилоят ҳокимлиги эса бизни ҳар вақт, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаяпти, етарли шарт-шароитларни яратиб бераяпти. Тан олиш керакки, бир пайтлар қўшни вилоятларда ўтказиладиган мусобақаларга бориб-келишда транспорт муаммоси бор эди. Бугун иккита янги замонавий автобусга эгамиз.

Бу йил ҳам жамоамизга тажрибали мураббий Тажимурод Агамуродов етакчилик қилади. У билан янги шартнома имзоладик. 19 январдан эса биз Бирлашган Араб Амирликларига ўқув машғулотларини ўтказишга жўнаб кетамиз. Бу ерда Украинанинг «Шахтёр» ва «Динамо», Россиянинг «Зенит» футбол клублари билан ўртоқлик учрашувларида майдонга тушамиз. Қирчиллама қишнинг қоқ ўртасида бизга ана шундай имконият яратилиб берилишининг ўзи ҳам мамлакатимизда спортга, хусусан, футболга бўлган эътибор нақадар юқори эканлигидан далолат беради.

Президентимиз томонидан 2008 йил — Ёшлар йили деб эълон қилинди. Менинг назаримда, спорт йили ҳам демакдир. Негаки, футболчиларнинг ҳаммаси ёшлар. Ўйлайманки, бу йилда бутун Ўзбекистонимизда оммавий ўйин ривожланади, иқтидорли ёшларимиз ўз имкониятларини жаҳон майдонларида маҳорат билан намойиш этишади.

**Владимир АРАКЕЛОВ,**
**«Самарқанд-Динамо» футбол клуби бошлиғи.**

# «ПАХТАКОР» БААГА УЧИБ КЕТДИ

***Куни кеча мамлакат чемпиони — "Пахтакор" жамоаси футболчилари ўқув-йиғин машғулотларида қатнашиш учун Бирлашган Араб Амирликларига учиб кетди.***

Бу ерда вакилларимиз бир неча ўртоқлик учрашувларида майдонга тушадилар. Жумладан, 7 январь куни "Ал-Шааб" (БАА), 11 январда "Ал-Ваҳда" (БАА), 13 январда эса "Ал-Карама" (Сурия) жамоалари "Пахтакор"га рақиб бўлади.

Бу йил "Пахтакор" таркибига машғулотлар арафасида Ҳайдар Пирназаров ("Локомотив", "Металлург"), Шавкат Муллажонов ("Қизилқум"), Нодир Қўзибоев ("Нефтчи") ва Рустам Аъзамов ("Насаф") сингари янги футболчилар қўшилган.

# ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ СПОРТЧИСИ

***Франциянинг спорт нашри "L"Equipe" 2007 йил якуни бўйича дунёдаги энг кучли спортчилар рейтингини эълон қилди.***

Рейтинг дунёнинг кўплаб мамлакатлари спорт журналистлари ўртасидаги сўровнома якунига қараб аниқланди. Шу асосда швейцариялик теннисчи Роже Федерер ғолиб деб топилди. Бу бежиз эмас. Чунки теннисчи йил давомида "Улкан тож" туркумига кирувчи турнирларда уч марта шоҳсупадан жой олишга муваффақ бўлди.



Иккинчи ўрин америкалик спортчи Майкл Фелпсга насиб этди. У 2007 йил Мельбурнда сузиш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида еттита олтин медални қўлга киритиб, беш марта жаҳон рекордини янгилашга муваффақ бўлган эди. Учинчи ўрин ралли бўйича тўрт карра жаҳон чемпиони бўлган француз спортчиси Себастьян Лебга насиб этди.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**



# НОДИР БУЮМЛАР САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

***Тарихий ва бадиий қийматга эга буюмларнинг юртимиздан ноқонуний равишда олиб чиқилишига қарши курашиш борасида Давлат божхона қўмитаси ходимлари жиддий чора-тадбирларни амалга оширишмоқда. Яқинда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари катта миқдордаги тарихий, маданий ва бадиий қийматга эга нодир буюмларнинг четга олиб чиқиб кетилишининг олдини олишди.***

Эл бойлигига хиёнат қилманг!



Россия Федерациясига йўл олган Ўзбекистон Республикаси фуқароси О. Маклакованинг уй-рўзғор буюмлари ортилган иккита контейнер "Тошкент товар" божхона постида кўрикдан ўтказилди. Маклакова томонидан тўлдирилган божхона баённомасида қисқагина қилиб, эски буюмлар олиб кетилаётганлиги қайд этилган эди. Аслида бутунлай бошқача бўлиб чиқди. Божхона назорати давомида контейнерга ортилган эски буюмлар орасида қадимий, диний китоблар, иконалар, расмлар, бронза, мис ва фил суягидан ясалган турли ҳайкалчалар, чиннидан ишланган ҳар хил лаганлар, идишлар, тасвирли ликопчалар, каштали матолар, сиёҳдонлар, асосий қисми мармар, бронза ва мисдан иборат турли хил соатлар, қимматбаҳо қутичалар, мебеллар, хорижий давлатларнинг турли даврларда зарб этилган тангалари каби жами 433 донадан иборат тарихий ва бадиий аҳамиятга молик буюмлар борлиги аниқланди.

— Бадиий экспертизага тақдим этилган буюмларни ўрганиб, таҳлил қилиш жараёнида улар XVIII ва XIX асрларда, шунингдек, XX асрнинг бошларида яратилганлиги маълум бўлди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг бадиий экспертиза бошқармаси бошлиғи Тўлқин Арзиев. — Европада, яъни Россия, Франция, Германия каби давлатларда бронза ва мисдан ишланган турли шаклдаги ҳайкалчалар, ой тақвими бўйича ишлайдиган соатлар, қадимий, диний иконалар, тасвирли ликопчалар тарихий-маданий қийматга эгалиги маълум бўлди. Шунингдек, Осиё мамлакатларида, хусусан, Япония ва Хитойда ясалган чинни идишлар, лаганлар, гулдонлар нодир буюмлар ҳисобланиб, уларни юртимиздан олиб чиқиш амалдаги қонунчиликка мувофиқ тақиқланган.



Ҳозир ушбу қонунбузарлик ҳолати юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, республикамиз божхоначилари ўтган 2007 йил давомида 60 дан зиёд ҳолатда тарихий аҳамиятга эга бўлган 1200 донадан ортиқ нодир буюмнинг юртимиздан ноқонуний равишда олиб кетилишининг олдини олишди.

**Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати.**

**СУРАТЛАРДА:** *божхоначиларимиз сақлаб қолган нодир буюмлардан намуналар.*

Яхши хабар

# Сумбулоқ болаларига совға

Нурота туманининг узоқ қишлоқларидан бири — Сумбулоқда замонавий мактаб биноси ишга туширилди. Қурилиш ишлари учун жами 150 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Навоий кон-металлургия комбинатининг ҳомийлигида қад ростлаган ушбу билим маскани Зарафшон қурилиш бошқармасининг бунёдкорлари томонидан уч ой ичида қуриб битказилди. Иситиш мосламаларини ўрнатиш эса Навоий машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисобидан амалга оширилди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

МТСдан янги йил таклифи!

"Янги йил рақамлари"

Дўстларингиз билан тунда БЕПУЛ мулоқот қилинг!

"Янги йил рақамларини" ўрнатиш:
*111*881*<халқаро кўринишда телефон рақами>#
Масалан, 1030909 рақамли Тошкент шаҳри абоненти учун: *111*881*998971030909#

"Янги йил SMS ва MMSлари"

Шанба ва якшанба кунлари БЕПУЛ SMS ва MMSлар!

Хизматни ёқиш: *111*991#

Эслатма:
Янги йил рақамлари:
– хизматни улаш – $1 (автоматик равишда биринчи рақам ўрнатилганда)
– "Уздунробита" рақамларидан 10 та янги йил рақамларига қўнғироқлар
– хар куни 00:00 дан 06:00 гача бўлган қўнғироқлар
Янги йил SMS ва MMSлари:
– хизматни улаш – $1
– "Уздунробита" ХКси тармоғи ичида барча SMS ва MMSлар
Акция 01.12.2007й.дан 01.07.2008й.гача амал қилади.

МТС абонентлари учун янгиликлар:
Энди юридик шахслар корпоратив режаларга уланиши учун МТС–Ўзбекистон тармоғида рўйхатга олинган 3 та актив рақамга (аввал 5 рақам эди) эга бўлсалар, етарлидир.

Янги 2008 йил билан!

Хизматлар лицензияланган.
Ўзбекистон Республикасида хизматлар "Уздунробита" компания томонидан тақдим этилади.
Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг курси бўйича амалга оширилади.
Нархларга барча солиқлар киритилган.

0890, (+998 97) 130 09 09
www.mts.uz / wap.mts.uz
МТС




Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 57. 48341 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6 8